

Давлат хизматлари Маркази Жиззах
шахар бўлимидан рўйхатдан ўтган.
№ 561 « 16 » апрел 2019й



“Жиззахдонмахсулотлари” АЖ
акциядорларининг 2019 йил
“27” мартдаги навбатдаги йиллик
умумий йиғилишида тасдиқланган



“JIZZAXDONMAXSULOTLARI”

aksiyadorlik jamiyatining

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Жиззах шаҳар

2019 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1 «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) **дастлаб** «Жиззахдонмахсулотлари худудий бош бошқармаси деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 20 июндаги «Ўздонмахсулот» давлат-акционерлик корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 311-сонли қарорига асосан, таъсисчиларнинг 1994 йил 12 сентябрдаги таъсис шартномаси ва Жиззах вилоят Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг 1994 йил 29 декабрдаги 332-сонли буруғи билан «Жиззах дон махсулотлари хиссадорлик уюшмаси бош корхонаси» очик типдаги хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, 1995 йил 15 мартда 000854-сонли мулкый ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери олиб, «Жиззах дон махсулотлари ишлаб чиқарувчилар акционерлик уюшмаси» Низоми 1995 йил 16 майда Жиззах шаҳар ҳокимлигининг 540-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган, шунингдек Жиззах вилоят Адлия бошқармаси томонидан 1995 йил 24 майда давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳақида 262-сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли қарорига асосан очик турдаги «Жиззах дон махсулотлари» акциядорлик жамияти сифатида Жиззах вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасида 1999 йил 10 февралда 287-рақам билан устав фонди миқдори 25583,4 минг сўми ташкил қилган ҳолда Низоми рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 августдаги «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги 376-сонли қарорига асосан, Жиззах вилоят Адлия бошқармаси ҳузуридаги «Юридик шахслар бирлашмаларини ва бозорларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Комиссияси»нинг 2004 йил 20 декабрдаги 2-сонли мажлис баёни билан «Жиззах дон махсулотлари» ишлаб чиқарувчилар акциядорлик уюшмаси давлат рўйхатидан чиқарилиб, унинг ҳуқуқий вориси сифатида «Жиззахдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти эътироф этилган.

Жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми низом жамғармаси миқдори 66214,4 минг сўми ташкил қилган ҳолда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида 620-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият низом жамғармаси миқдори 99997,1 минг сўмга оширилган ҳолда 2005 йил 20 июнда жамият Низомининг 3.2-бандига киритилган ўзгартириш Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 838-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Шунингдек, жамият Низомининг 1.1-банди, 1.3-банди, 2.1-бандига ўзгартириш киритилиб, 2.2-банди чиқарилиб Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2008 йил 15 апрелда 2152- рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият Низомининг 1.1-банди, 5.4-бандига ўзгартириш, 5.5-банд ва 6.8-банд кўшилиб, 9.7-бандга ўзгартириш, 9.8-банд чиқарилиб, 9.9-банд ва 10.22-бандига ўзгартириш киритилиб Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 19 ноябрда 3649- рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият низом жамғармаси миқдори купайтирилиб 700000,0 минг сўмга етказилган ва жамият Низомининг 3.2-бандига ўзгартириш киритилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2011 йил 1 апрелда 3948-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

2014 йилда Жамият Устав жамғармаси миқдори купайтирилиб 889 013 300,0 минг сўмга етказилган ва жамият Низомининг 3.2-бандига ўзгартириш киритилиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2014 йил 14 майда 5729-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур янги таҳрирдаги Устав тасдиқлангунча сўнгги марта жамият акциядорларининг 2016 йил 27-августдаги умумий йиғилишида жамият Устави янги таҳрирда тасдиқланиб, Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона дарча Марказидан 2016 йил 21-сентябрда 561-рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

1.2 Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

Лотин алифбосида: “Жиззахдонмахсулотлари” aksiyadorlik jamiyati;

Кирилл алифбосида: “Жиззахдонмахсулотлари” акциядорлик жамияти;

Қисқартирилган номи: Лотин алифбосида: “Жиззахдонмахсулотлари” АЖ; Кирилл алифбосида: “Жиззахдонмахсулотлари” АЖ; Рус тилида : Акционерное общество “Жиззахдонмахсулотлари”;

Русчада қисқартирилган номи: АО “Жиззахдонмахсулотлари”.

1.3 Жамиятнинг жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Чўл кўчаси, 10- уй.

1.4 ВЕБ-сайт; www.jizzaxdonmaxsulotlari.uz Электрон почта манзили: jizzaxdon@mail.ru.

1.5 Жамият ўз мажбуриятларн юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

І.І. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Акциядорлик жамиятини тузиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни» Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари ва мазкур Устав билан тартибга солинади.

Куйидагилар жамиятнинг асосий мақсади ҳисобланади:

- Ун махсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш, турли корхона, ташкилот ва фуқароларга турли хизматлар кўрсатиш;
- Қишлоқ хўжалик корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган дон махсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш;
- Ғалла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шахсий томорқа хўжаликларига етказиб бериш;
- Ун ва ун махсулотларини ишлаб чиқариш ва корхона, ташкилот ва аҳолига етказиш;
- Омукта ем ишлаб чиқариш ;
- Қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш , сақлаш, қадоқлаш ва сотиш;
- Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда ўстириш ва сотиш;
- Автотранспорт хизмати кўрсатиш;
- Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Корхонани техник жихатдан жихозлаш, замонавийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, корхонани ривожлантириш учун ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

- Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олинган кейин амалга оширилади.

2.2. Жамиятнинг асосий мақсади умумхўжалик фаолиятидан фойда олиш ҳисобланади.

2.3. Шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари жамият томонидан фақат керакли ҳужжатларни олгандан сўнггина амалга оширилади.

Ш.Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори, жамият акцияларининг сони, номинал қиймати. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш

3.1 Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2 Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият мол-мулкининг жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3 Мазкур уставни рўйхатдан ўтказиш пайтига Жамият томонидан умумий қиймати 889 013 300 (саккиз юз саксон тўққиз миллион ун уч минг уч юз)сўмга тенг бўлган 8 887 593 дона оддий ва 2540 дона имтиёзли акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган бўлиб, акция номинал қиймати 100 сум.

3.4 Жамиятнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100(юз) сўм бўлган 10000000 (ўн миллион) дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишида акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилангандан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади

3.9. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

3.10. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.12. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

IV. Жамият акцияларининг турлари ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилади. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. Жамиятнинг захира фонди

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.


5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятни зарарларини ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомуладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиз миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунигача қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. Жамият бошқарувининг тузилмаси



VII. Жамиятнинг бошқарув органлари.

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг ижро бошқарув органидир.

7.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий рахбарликни амалга оширади, ушбу Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.4. Жамиятнинг ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик қилувчи, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этувчи орган.

VIII. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

8.1. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

8.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқилади.

8.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

8.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг куп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларни олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш; жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

ҳуқуқларини химоя қилиш қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланидиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижро органи хал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши хал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтишчилигига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

8.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилганда жамиятнинг кузатув кенгаши қонунчиликка асосан умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини; овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аник масала кўрилишининг акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошка масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

8.9. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтишчиси, жамият раиси, шунингдек ана шу лавозимларга номзод кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади.

8.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

8.11. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий

йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

8.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади, ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида: акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой; жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони; умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони; умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

IX. Жамиятнинг кузатув кенгаши

9.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Қонун ва ушбу Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

9.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари қоплаш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги ва «Жамият Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

9.3. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин. Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган ҳолатда фақат жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитаси ташкил этилиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати мазкур аудит қўмитасига ўз фаолиятида ҳисобдордир. Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

9.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:
жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақариш,
акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи иизомни тасдиқлаш, агар бундай лавозим жорий этилган бўлса;
ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган хакнинг энг кўп миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш; жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш; жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш; жамиятнинг шубба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш; "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

эмиссион қимматли қоғозлар чиқариш қарори ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш; аввал давлат рўйхатига олинган қимматли қоғозлар чиқариш қарори ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар киритиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларими чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш; жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" Қонуни ва жамият "Кузатув Кенгаши" тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби 5 кишидан иборат. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.6. Жамият кузатув кенгашининг раиси ва котиби, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши, ўз раисини ва котибинини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.7. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақариш ва ўтказиш тартиби:

- жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз гап-сўзига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтишчисининг, раисининг жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 % эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақиради.

- жамият кузатув кенгашининг мажлиси вазиятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши аъзолари, кузатув кенгаши томонидан тақлиф қилинганлар: тафтишчиси, жамият бошқаруви раиси, жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5%га эга бўлган акциядор (акциядорлар) ва бошқа шахслар қатнашиши мумкин.

- кузатув кенгаши мажлисида жамият фаолиятига умумий раҳбарликка тегишли масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"га Қонуни ва мазкур уставга асосан кузатув кенгаши ваколатларига қирадиган масалалар ҳал қилинади. Жамиятнинг ижроия органи кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга тайёргарлик қўриш жараёнида барча ҳужжатларни (маълумотларни) тайёрлайди ва тақдим этади.

- Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

1) яқка гартибдаги ижроия органининг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режасини бажарилиш тўғрисидаги ҳисоботини;

2) жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги тафтишчи ҳулосасини;

3) жамият ички аудит хизматининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғри юритилиши, ижроия органи томонидан қонунчиликка, таъсис ва бошқа ҳужжатларга риоя этилаётганлиги, хўжалик фаолиятини юритишда ўрнатилган тамоил, коидаларининг тўлиқлигини таъминланганлиги, активларнинг сақланганлиги ҳамда жамиятни бошқаришда қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди ҳамда тақдим қилинган ҳисоботларга асосан ҳисобот давридаги ижроия органининг фаолиятини баҳолайди ва тегишли қарорлар қабул қилади.

- Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

- Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қабул қилинадиган қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида, 30, 84, 88-моддаларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилади.

9.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай кузатув кенгашининг котиби тузади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой; мажлисда ҳозир бўлган шахслар; мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари; қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри қилинганлиги тасдиқлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари қонундан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун

топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топшириладн.

9.9. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган ҳолатда жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади. Мустақил номзодни танлаш қонуннинг 76-моддаси 6-қисмида баён этилган талаблар асосида амалга оширилади.

Х.Жамиятнинг ижроия органи-бошқарув раиси.

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган жамият бошқаруви раиси томонидан амалга оширилади. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига, мазкур уставга ҳамда жамиятнинг "Жамият ижроия органи тўғрисида"ги низомига таянган ҳолда фаолият юритади.

10.2. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно. Жамиятнинг бошқарув раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

10.3. Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган.

10.4. Жамият раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда унинг жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият раиси билан тузилган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

10.5. Мазкур уставга асосан бошқарув раиси:

- акциядорлик жамият номидан ишончномасиз фаолият юритиш, бошқа ташкилот ва органлар билан алоқада унинг манфаатларини ифодалайди;
- ўз ваколати чегарасида мол-мулк, пул маблғларини тасарруф этиш;
- битимлар ва шартномалар, шу билан бирга меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлар очиш;
- ўзига бўйсинувчи барча ходимларга мажбурий бўлган фармон ва кўрсатмалар қабул қилиш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни тўлдириш;
- жамиятнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлар сонини, жамият ходимларининг иш ҳақи фондини, иш ҳақи миқдорини аниқлаш;
- кузатув кенгашига филиал бошқарувчиси, корпоратив маслаҳатчи, жамият ички аудитер хизмати аудиторлари лавозимига номзодларни ҳамда ташқи аудиторлик ташкилотини кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш, улар билан меҳнат шартномаларини (битимларини) тузиш ва бекор қилиш;
- ички меъерий, локал ҳужжатларни ўз ваколати доирасига кирувчи жамият ҳужжатларини тасдиқлаш;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.
10.6.Мазкур уставга асосан бошқарув раиси куйидаги мажбуриятларга эга:

- лавозим мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, уставга, жамият ички меъёрларига ва локал ҳужжатларга, жамият билан тузилган меҳнат шартномасига таянган ҳолда фаолият олиб боради;

- жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкиллаштириш;

- акциядорлар умумий йиғилишига белгиланган муддатларда жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича йиллик ҳисобот ва жорий йилда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳисоботларни тақдим этиш;

- жамият кузатув кенгашига жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича чоракли ҳисоботларни, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳисобот ҳамда кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалалар ҳолати бўйича ҳисобот бериш;

- жамият молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши, тафтишчи ва аудитор талабига биноан тақдим этиш;

- акциядорларнинг амалдаги қонунларда назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва олиш ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамиятнинг барча бўлимлари, цехлари ва таркибий бўлинмаларининг иш самарадорлигини оширишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш;

- жамият ижроия органининг мажлисларини ўтказишни ташкиллаштириш ва уларга раислик қилиш;

- жамиятнинг келгуси мавсумда жамият ривожланишининг бизнес-режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, жамиятнинг тасдиқланган жорий бизнес-режасини бажаришни ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

- жамият томонидан ишлаб чиқаршни ривожлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга етарли даражада фойда олинишини таъминлаш;

- жамият томонидан шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботларнинг аниқчилигини ва тегишли равишдаги ҳолатини ташкиллаштириш, тегишли органларга давлат статистик ҳисоботларни, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида топширишни таъминлаш;

- жамоа шартномасини тузишда иш берувчи бўлиб қатнашиш, музокараларда ижроия орган аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш;

- жамоа шартномаси мажбуриятлар ва жамиятнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилинишни таъминлаш;

- жамиятда меҳнатни химоя қилиш меъёрлари, техник хавфсизлик, меҳнат ва технологик интизомга риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятнинг технологик ускуналари ва бошқа активларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш;

- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибалари ва қобилиятларидан аъло даражада фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

жамиятнинг тижорат сирларини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлаш;

- узок муддатли хизмат сафарлари ва таътил вақтларида фойдаланишни кузатув кенгаши билан келишиш. Кузатув кенгашига ўзи йўқлигида унинг вазифасини бажарувчи ҳақида хабар бериш.

10.7.Жамиятнинг бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

10.8.Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамият раиси билан тузилган шартномани шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор

қилишга) ҳақли. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

XI. Тафтишчи

11.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтишчи сайланади.

11.2. Жамият тафтишчисига қўйиладиган талаблар:

- аудиторлик сертификати;
- олий маълумот, бухгалтерия соҳасида иш стаж.

11.3. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтишчиликка кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.4. Жамият тафтишчиси бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.5. Жамият тафтишчисининг ваколат доираси ва фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

11.6. Тафтишчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз хошишига кўра, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, кузатув кенгаши, ёки овоз берувчи акцияларнинг камида 5 % эга бўлган акциядор (акциядорлар) талабига кўра йил якунлари, ёки бошқа давр бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув (тафтиш) ўтказиш;

- куйидаги ҳолларда кузатув кенгаши, ижроия орган ваколатларини муддатидан олдин тугатиш бўйича навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, уставга ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорига риоя этмаслик;

б) жамиятга зарар келтириш ва акциядорларнинг мулкый ҳуқуқига зиён келтириш, жумладан молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашиши, фойданинг ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг камайиши билан боғлиқ ҳолларда;

в) жамиятнинг иқтисодий ночор (банкрот)лик юзага келиш аломатлари ва хавфи мавжуд бўлганда, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар ва жамият ходимлари иш ҳақини тўлаш бўйича барқарор қарз мавжуд бўлган тақдирда.

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилига асосан бошқа ҳолларда.

Мажбур:

- ўз мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, жамият устави, ички меъёрий ҳужжатлари ва локал ҳужжатларига таянган ҳолда фаолият олиб бориши;

- текширилаётган давр учун жамият молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича, ўзида куйидагиларни мужассам этган ҳисоботларни бериш;

а) жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги. Шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот;

в) жамиятнинг айрим цех ва бўлимлари молиявий-хўжалик фаолиятининг зарар келтираётганлиги, норентабеллиги тўғрисидаги маълумот;

г) ҳисобланаётган маҳсулот бўйича алоҳида қисмлар ва маъмурий харажатлар сметасидаги ортиқча харажатлар тўғрисидаги маълумотлар;

- акциядорлар умумий йиғилишига молиявий-хўжалик фаолият юритилишининг тўғрилиги ва бухгалтерия балансида, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган ахборотларнинг аниқчилиги тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилиши;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан бошқа мажбуриятлар.

ХII. Жамиятнинг ички аудит хизмати.

12.1. Жамиятда активларининг баланс қиймати энг кам иш хақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор;

12.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда ақс эттирилиши таъминланишини, ҳўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди;

12.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қонда назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади;

ХIII. Аудиторлик ташкилоти

13.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-ҳўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади;

13.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади;

ХIV. Яқуний қоидалар

14.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

14.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

14.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

14.4. Мазкур уставда кўрсатилмаган жамият фаолиятига тегишли бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

“Жиззахдонмахсулотлари” АЖ
Бошқарув раиси:



Ф.Мусаев.